

## ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНТЕРАКТИВ МАРКЕТИНГДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

**Примова Нигора**  
ТДИУ

### *Аннотация*

*Ушбу мақолада рақамлаштиришнинг замонавий бухгалтерия ҳисобига таъсири ўрганилган ва таҳлил этилган. Сўнгги ўн йилликда рақамли бозорлар соҳасида технологик инқилоб рўй берди, бу аналог бизнеснинг рақамлаштириши томон силжishiга олиб келди. Бу замонавий дунёда рақобатбардошликни сақлаш ва бухгалтерия ҳисобида маълумотни қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш учун янги имкониятларни очиб беради.*

### *Калитли сўзлар*

*рақамли иқтисодий, бухгалтерия ҳисоби, рақамлаштириш, тарқатиш, рақамли манбалар, рақамлаштириш*

### **Кириш**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий мажлисга йўллаган Мурожаатномасида 2020 йилни – “Илм маърифат ва рақамли иқтисодийни ривожлантириш йили” деб эълон қилар экан, рақамли иқтисодийнинг мамлакатнинг барча жабҳаларида аҳамиятига тўхталиб: - “Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормокда.” деб таъкидлаган эди.[1] Шунингдек, республикада рақамли иқтисодийни давлат бошқарув тизимида замонавий ахборот технологияларни жадал ривожлантириш бўйича шароитлар яратиш, шунингдек, ахборот ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 2018 йил 31 августда рақамли иқтисодийнинг мақсад ва вазифаларини белгилаб берадиган “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодийни жорий қилиш ва янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори қабул қилинган.[2] Рақамли иқтисодийда IT ёрдамида таннархни камайтиришга, натижада оптималлашувга ва самарадорлик ошишига эришилади. Рақамли иқтисодий ривожланган мамлакатларда ЯИМ ҳажми ҳам, ЯИМнинг аҳоли сон бошига улуши юқоридир. Шу жиҳатдан, давлатимиз раҳбарининг бу масалага катта эътибор қаратиши бир мақсадни кўзлайди, у ҳам бўлса биринчидан, аҳолининг яшаш даражасини юксалтириш, иккинчидан, аҳолининг реал даромадларини ошириш ва халқимизни рози қилишдир.[3]

Рақамлаштириш жараёни бухгалтерия воситалари ва рақамли каналларни ҳисобга олиш, маълумот алмашиш учун алоқа каналларини тақдим этади. Бухгалтерия ҳисобини рақамлаштириш уни бозор кўрсаткичларини етказиб берувчидан талабга ўзгартиради. Бунинг натижасида бухгалтерия ҳисоби бўйича минимал маълумотга эга бўлган янги иштирокчилар ҳам бозорга чиқиш имкониятларига эга бўладилар.

Бухгалтерия соҳасида рақамли тизимга ўтиш жадал амалга ошиши кутилмоқда. Ушбу жараён бизнес стратегиясини ўзгартиришни талаб қилади, чунки рақамли технологиялар бизнес мулоқотларга ўз таъсирини ўтказди. Бухгалтерия соҳасига рақамлаштиришнинг таъсири ҳақида манбаларда илмий мақолаларни топиш мушкул. Шунинг учун ушбу мавзудаги тадқиқот долзарб аҳамиятга эга. Кўпчилик бухгалтерлик компаниялар ўз фаолият йўналишларини аналогдан рақамли йўналишга ўзгартиради, деб ҳисоблашади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Голландиялик олим Ян Бремман ўзининг “At Work in the Informal Economy of India: A Perspective from the Bottom Up” асарида олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, рақамлаштириш жараёнида бозорлар кескин ўзгаради. Кўпгина компаниялар ўз бизнесларини рақамлаштиришга ҳаракат қилмоқдалар. Бирок, аксарият миллий иқтисодиёт тармоқлари Рақамлаштиришдан тўлиқ фойдаланмайди.[4]

Иқтисодчилар Э. Кейн, Жеральд С. Палмер “Цифровизация. Практические рекомендации по переводу бизнеса на цифровые технологии” номли асарларида кенг миқёсда рақамлаштириш компания ривожига қандай таъсир кўрсатишини тадқиқ этдилар. Улар фирмалар нафақат стратегиялар, моделлар, технологияларни яратишга қолмай, балки хавф-хатарларни ҳам ўз зиммаларига олишлари кераклиги тўғрисида муҳим хулосалар қилдилар.[5]

#### **Тадқиқот методологияси**

Тадқиқотнинг асосий масаласи бугунги кунда Ўзбекистон шароитида рақамли иқтисодиётни, шу жумладан ундан бухгалтерия ҳисобида фойдаланишни ривожлантиришнинг қонуниятлари, тенденциялари ва имкониятларини, хусусан, ахборот технологияларининг иқтисодиётнинг турли соҳаларига кириб бориш даражаларини илмий асосда ўрганиш ниҳоятда долзарб аҳамият касб этади. Ватанимиз тараққиёти ва истиқболи, мамлакатимизда кенг кўламда амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти миллий иқтисодиётимизга янги инновацияларни жорий қилишга бевосита боғлиқдир. Шу сабабли бухгалтерия ҳисобида рақамли иқтисодиётни такомиллаштириш, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва ҳуқуқий асосларини илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Тадқиқот ишида кузатиш, умумлаштириш, гуруҳлаш, таққослаш, индукция, дедукция каби усуллар қўлланилди.

#### **Таҳлил ва натижалар**

Дунё тобора рақамли, автоматлаштирилган бўлиб бормоқда ва бу бошқарувни янгиланиш талаб этмоқда. Фирмалар ўзларининг инновацион жараёнларини янги технологияларни жорий қилиш, яхшиланган бизнес стратегияларини режалаштириш орқали ўзгартиришлари керак. Баъзи бир мутахассислар, компанияларнинг рақамли инновацияларга оммавий ўтишлари билан фақатгина бозорлар ўзгаришига рози эмаслар, шунингдек, улар ижтимоий-техник ўзгаришлар ҳам кутилиши кераклигини таъкидлашмоқда. Рақамлаштириш ривожланиши билан, компаниялар технологик ўзгаришларни бошқариш ва қабул қилишни ўрганишлари зарур.

Рақамли бухгалтерия ҳисобини тадқиқ этишнинг мақсади:

- бизнес - моделлаштиришни ўрганиш;

- компаниянинг бозорда ўз ўрнини топиши ва ривожланиши учун нима зарур эканлигини тасаввур этишдир.

Ушбу муаммоларни ҳал қилиш рақамли бухгалтерия бизнесининг бозорда омон қолиш учун қандай қарор қабул қилиши тўғрисида тушунчани шаклланишига олиб келади.

Рақамлаштириш натижасида хўжалик юритувчи субъектларни бирлаштириш ва сотиб олиш орқали интеграцияси амалга оширилади. Бухгалтерия бизнесини рақамлаштириш учун барқарорликнинг мавжудлиги ва янгиланишини талаб этувчи қуйидагилар зарур ҳисобланади:

- ривожланиш стратегиялари ва рақамли воситаларни яратиш орқали эришиш мумкин бўлган иқтисодий барқарорлик. Фирмалар юқори ва давомий даромад олишлари учун рақамли мижозларни ўз ичига олувчи иқтисодий барқарорликка интилишлари зарур.

- бухгалтер ролини ўзгартирувчи ижтимоий барқарорлик (чунки унинг кўп вазифалари автоматлаштирилган бўлади). Бу ҳолат жамиятга босим ўтказди ва умуман бухгалтернинг ролини ўзгартириши мумкин.

- материалларни тежаш орқали шакллантириладиган ва ҳужжатларни ташиш эҳтиёжини камайтирадиган экологик барқарорлик.

Рақамлаштириш - аналог билим ва маълумотни рақамли шаклга ўтказишдир. Ушбу жараён реал вақт режимида маълумотларга тез ва осон олишни таъминлайди ва рақамли технологияларга уланиш орқали одамлар ўртасида маълумот алмашиш имконини беради.[7]

Бу жараёнда компания томонидан ишлатиладиган воситаларга қуйидагилар киради: Таҳлилий, ижтимоий ва мобил воситалар. Бугунги кунда рақамлаштириш энди ривожлана бошлади, шунинг учун ҳозирги кунда умумий бизнес модели шаклланганича йўқ. Ҳар бир компания мустақил рақамли тизимини яратмоқда.

Рақамлаштириш бухгалтерия ҳисобида ўзгаришларга олиб келадиган янгиликдир. Рақамли бухгалтерия мижозларга янги технологиялар ва хизматлардан фойдаланган ҳолда янги сегментларни эгаллаш учун имкониятдир.

Бухгалтерия ҳисобини рақамлаштириш:

- қулай иш жараёни учун янги ва энг яхши ечимларни таклиф этадиган инқилобий янгилик;
- бозорда вужудга келган нисбат ва кадриятлар мувозанатини бузишга олиб келувчи янгиликдир.

Ушбу инновациялар мавжуд маҳсулотларнинг такомиллашуви ва рақобатдошлигини таъминлайди. Ушбу янгиликлар натижасида саноатда қатор технологик силжишлар амалга ошади. Бухгалтерия ҳисоби бу ички ва ташқи фойдаланувчиларга молиявий маълумотларни тақдим этишни ўз ичига оладиган бизнес тилидир.

Бухгалтерия маълумотларидан фойдаланиш фақат ҳар қандай бизнес фаолияти билан чекланиб қолмайди. Ҳар бир шахс ўз даромади тўғрисида ҳисобот бериши ва солиқ тўланганлигини рўйхатдан ўтказиши шарт. Кўпинча кредит, кредит карта ёки нафақалар олиш учун бундай маълумотларни тақдим этиш кифоя. Давлат, вилоятлар, шаҳарлар ва ҳар қандай ташкилотлар бухгалтерия маълумотларини ўз маблағлари ва улардан фойдаланишни назорат қилиш учун асос сифатида ишлатадилар. Бухгалтерия ҳисоби ҳар қандай давлатнинг самарали сиёсат юритиши ва ижтимоий дастурларни амалга ошириш учун муҳимдир.

Бухгалтерия ҳисоби молиявий ресурслардан фойдаланиш орқали бошқарувнинг анъанавий нуқтаи назаридан бизнеснинг иқтисодий барқарорлигини таъминловчи муҳим механизм сифатида талқин этилмоқда.

“Ҳозирги даврда ҳар қандай тузилган ҳисобот жадваллари иқтисодий жараёнларни бошқариш учун ахборот майдони бўлиб хизмат қилмоқда. Агар ҳисобларнинг ишчи жадвали корхоналар томонидан муайян фаолият турларини амалга оширишда бухгалтерия ҳисобини юритиш ва гуруҳлаш схемаси бўлса, у ҳолда бухгалтерия ҳисобининг тузилган ишчи жадвали корхонанинг таркибий бўлинмаларини операцион, тактик ва стратегик жиҳатдан бошқаришни ҳисоб-китоб ҳамда таҳлилий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган.”[8]

Рақамли бухгалтерия ҳисобининг асосий афзалликлари:

- реал вақтда пул оқимининг таъминланиши;
- харажатларни камайтириш;
- автоматлаштириш ва катта қўламга эгалик;
- хавфсизлик ва тезкорлик;
- бухгалтерия маслаҳати беришнинг осонлиги.

Рақамли бухгалтерия молиявий ва бухгалтерия маълумотларини электрон шаклда яратиш, узатиш ва талқин қилиш имконини беради. Шунинг учун унинг афзалликлари қуйидагилар билан боғлиқ:

- топшириқларнинг юқори аниқлиги;
- харажатларни камайтириш имконияти;
- маълумотларни таҳлил этишнинг автоматлашган ва ақлли тизимининг яратилиши.

Рақамли онлайн ҳисоб-китоб воситалари бизнес соҳасини автоматлаштириш даражасини ошириши, аниқ рақамлар, таҳлиллар ва маълумотлар олишни енгиллаштириши натижасида уларнинг аниқлиги ва сақлаш хавфсизлиги ортади.

Бугунги кунда бухгалтерия ҳисобини юритишнинг кўплаб рақамли дастурлари мавжуд, аммо бу жараён иштирокчиларининг аксарияти ҳанузгача бухгалтерия ҳисобида операцияларни акс эттиришнинг аналог усулидан фойдаланмоқдалар. Бугунги кунда рақамли компаниялар бир нечта бизнес моделларидан фойдаланган ҳолда ўз бизнесларини қандай юритаётганлигини англаш зарур.

### **Хулоса ва таклифлар**

Рақамли технологияларнинг ривожланиши билан компаниялар глобал ўзгаришларни кутмоқдалар. Бугунги кунда фирмалар ўзларини бизнес элементи сифатида кўрсатадиган кенг камровли бизнес модели мавжуд эмас. Рақамли саноатни яратиш стратегиясида позицияни танлашни соддалаштириш учун бизнес элементларидан фойдаланилади. “Бухгалтерия ҳисобини моделлаштириш хўжалик ҳаёти омиллари, иқтисодий жараёнлар, бизнесдаги вазият ва унинг тузилмаларини, охириги қийматни шакллантириш занжири сифатида қарайдиган концептуал равишда қайта қуриш усулларидан биридир.” [6].

Компаниянинг стратегияси ва бизнес моделини шакллантириш акциядорларга ва раҳбариятга аниқ асосланган ҳисоб-китоблар асосида узоқ муддатли мақсадли кўрсаткичларга эришиш йўлларини аниқлашга имкон беради. Стратегияда бизнеснинг асосий йўналишлари кўрсатилган, устувор вазифалар белгиланган, амалга ошириш учун муҳим стратегик ташаббуслар ва аниқ ҳаракатлар режаси шакллантирилган бўлади.

Операцион моделини ишлаб чиқиш компаниянинг стратегиясига асосланади. Ушбу фаолият доирасида энг мақбул бизнес тузилмаси аниқланди, асосий ва қўллаб-қувватловчи жараёнлар белгиланди, уларнинг асосида ваколатлар ва мажбуриятларнинг мақсадли тақсимланишини кўрсатувчи мақбул ташкилий тузилма яратилади.

Тижорат стратегиясини ишлаб чиқиш савдо ва мижозларга хизмат кўрсатиш функциялари самарадорлигини оширишга қаратилган. Унинг мақсади даромадлилик ва савдо ҳажмини ошириш, шунингдек, ўзгаришларни амалга ошириш учун энг самарали воситаларни танлашдир. Бундай жараёнларга товарлар тақсимотини мақбуллаштириш, баҳо ўрнатиш самарадорлигини ошириш, маҳсулот портфелини қайта кўриб чиқиш, реклама ва маркетинг тизимини такомиллаштириш кабилар киради.

Ҳозирги технологик инқилоб даврида бизнесни ривожлантириш стратегиясига катта эътибор берилмоқда. Бизнес моделини шакллантириш учун рағбат - бу компанияни бозорда технологик ўзгаришларга қанчалик тез мослашувчанлигини таъминлашни ижодий ҳал этишга қодир эканлигини англашдир.

Қайд этилган фикр-мулоҳазалар биргаликда иқтисодий муносабатлар тизимига инновацияларни жорий қилиш билан бир қаторда Ўзбекистонда рақамли маконни шакллантириш ҳамда рақамли иқтисодиётни иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан илмий тадқиқ этиш заруратини белгилаб берди. Қолаверса, бугунги кунда рақамли иқтисодиётни жорий қилиш ва такомиллаштириш масалалари ҳар бир ривожланиб бораётган давлатнинг устувор ва муҳим вазифасига айланиб бормоқда. Зеро Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий мажлисга йўллаган Мурожаатномасида таъкидлаганидек: - “Албатта, рақамли иқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яхши биламиз. Бироқ қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, қачон киришамиз?! Эртага жуда кеч бўлади. Шу боис рақамли иқтисодиётга ўтиш – келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади.[1]

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Халқ сўзи. 2020 й. 25 январь, №19.
2. Постановление Кабинета Министров «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию и внедрению цифровой экономики в Республике Узбекистан от 31 августа 2018 года. <https://lex.uz/ru/docs/3806048>
3. Жумаев Н. Рақамли иқтисодиёт аҳолининг яшаш даражасини юксалтириш, реал даромадларини оширишга хизмат қилади. // Халқ сўзи. 2020 й. 30 январь, №22.
4. Jan Breman At Work in the Informal Economy of India: A Perspective from the Bottom Up Oxford University Press; First edition (15 March 2013) 536 pages.
5. Э. Кейн, Жеральд С. Палмер Цифровизация. Практические рекомендации по переводу бизнеса на цифровые . цифровые технологии. М.: Альпина Паблишер., 2019.

6. Ермилова Ю.А. Аспекты учетно-аналитического обеспечения инновационной деятельности на предприятии / Ермилова Ю.А. // Региональная инновационная экономика: сущность, элементы, проблемы формирования, новые вызовы. Ульяновск, – 2016. – С. 18-21.

7. Карпова Т.П. Направления развития бухгалтерского учета в цифровой экономике / Т.П. Карпова // Известия Санкт-Петербургского Государственного Экономического Университета. - 2018. - №3. - С. 52-57.

8. Свиридова А.П., Еременко В.А. Инжиниринговый структурированный план счетов как информационная база /А.П. Свиридова, В.А. Еременко // Вектор экономики. – 2016. – № 6. – С. 2

